

ЎЗБЕКИСТОН БИРСУМЛИКАСИ
EKOLOGIYA VA Axborot-MUHOJIRAT
MUNOFADA QILISH DAIRLAT QO'G'ITATILARIG
AXBOROT-TAHLILIT VA ILKUT-AMALIY JURNALI

ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
И НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
ГОСУДАРСТВЕННОГО КОМИТЕТА
ПО ЭКОЛОГИИ И ОХРАНЕ
ОКРУЖАЮЩЕЙ
СРЕДЫ

INFORMATION-ANALYTICAL AND SCIENTIFIC-
PRACTICAL JOURNAL OF STATE COMMITTEE
ON ECOLOGY AND ENVIRONMENTAL
PROTECTION OF UZBEKISTAN



№44 2016 00118

EKOLOGIYA

ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА
ECOLOGICAL HERALD OF UZBEKISTAN

XABARNOMASI



O'zbekiston Respublikasi
Ekologiya va atrof-muhitni
muhofaza qilish davlat qo'mitasi

Государственный комитет
Республики Узбекистан
по экологии и охране
окружающей среды



Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-
муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

Таҳрир кенгаши раиси
Б. ҚУЧҚОРОВ

Таҳрир кенгаши аъзолари:
Б. ТАЖИЕВ,
С. САЙДАЛИЕВ,
Б. АБДУХАЛИМОВ,
В. ЧУБ,
У. БУРАНОВ,
С. ЛУТФУЛЛАЕВ,
Б. ТОШМУХАММЕДОВ,
С. МУХТОРАЛИЕВ

Бош муҳаррир:
Н. АБДУЛЛАЕВА

Бош муҳаррир ўринбосари ва масъул котиб:
Г. МЕНГЗИЯЕВА

Саҳифаловчи-дизайнер:
Х. АНВАРХОНОВ

Нашр Ўзбекистон Республикаси Олий
аттестация комиссиясининг рўйхатига
киритилган.

Обуна индекси: 910

Таҳририят манзили: 100185 Тошкент шаҳар,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7а-уй.
www.econews.uz
E-mail: chinorenk@umail.uz

Таҳририят фикри муаллифлар фикри билан
туғри келмаслиги мумкин.

2008 йил 7 мартда Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан рўйхатга
олинган.
Рўйхатга олиш рақами №0515

Босишга рухсат этилди
Формати 60x84¹/₈.
Табоғи 7 б.т.
Адади 2200
Буюртма № ____
Баҳоси келишилган нархда.

"ЕСО TEXTILE PRODUCT" МЧЖ
босмахонасида офсет усулида чоп этилди
Матбаа гувоҳномаси рақами № 10-3632
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Тошкент Автомобиль халқа йўли, 11-км, 10 уй

2	БАТАН КЕНГЛИКЛАРИДА
4	ЖАРАЁН
10	Марказий Осиё Халқаро экологик форуми – 2018: Глобал экологик муаммолар муҳокама этилди
12	Орол денгизи: Янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар
14	GETSA – 2018: Экологик инновациялар бизнестга татбиқ этилмоқда
15	ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ
16	ФАОЛИЯТИДАН
17	Ижтимоий ҳамкорлик – тараққиёт гарови
18	Қорақалпоғистонда Қизил китобга киритилган қўлонларнинг яшашни аниқланди
19	ГИПОТЕЗАЛАР–ТАДҚИҚОТЛАР–ИХТИРОЛАР
20	Д. МАВЛЯНОВ
21	Ўзбурдан юқори ҳосил олишда қузғи бўғдойдан бўшаган майдонларга турли муддат ва усулда ишлов беришнинг самарадорлиги
22	О. НАЗАРОВА, А. КАЙИМОВ
23	Биоразнообразие и ареал рябины (Sorbus L.) в Узбекистане
24	Ш. МУРОДОВ, У. ТўРАЕВ
25	Саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш – ичимлик суви муаммосини ечишдир
26	Ж. ХУДАЙҚУЛОВ, Ф. МУХТАРОВ
27	Ер ёнғоқ навларининг муҳим хўжалик белгиларига биостимуляторларнинг таъсири
28	Х. МўЙДИНОВ
29	Такрорий экин – мошни қузғи бўғдойда қўлланилган ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда озиклантириш
30	Ю. ҒАФФОРОВ, В. АЗИЗОВ, К. ХАЛИЛОВА, С. ИКРОМОВ ВА БОШҚАЛАР
31	Қурама тоғ тизмаси анаморф микромицетларининг экологик хусусиятлари
32	ХАЛҚАРО ТАЖРИБА
33	Венгрия сув секторининг юксак салоҳияти "Budapest Waterworks" тақдироти мисолида
34	ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ
35	Ўзбекистонда экологик таълимни ривожлантириш учун нималарга эътибор қаратмоқ лозим?
36	ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ
37	Ўзбекистонга яна қум бўронлари ёпирилди
38	Қамчиқ доволарида сел тошқини юз берди
39	ДУНЁ САҲНИДА
40	Бутунжаҳон Атроф-муҳит куни – дунё аҳлини пластик чиқиндиларга қарши саъй-ҳаракатларга чорламоқда
41	ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ
42	Экспедиция на Северное Аральское море
43	ЭКО-ИННОВАЦИЯЛАР
44	Г. ДЖАЛИЛОВА, О. ШАРИПОВ
45	Дехқончиликдаги инновациялар ёки қишлоқ хўжалигида фазовий технологиялардан фойдаланиш
46	МУТАХАССИС ЖАВОБ БЕРАДИ
47	Дарахт кесиш билан боғлиқ қандай ҳолатлар ноқонуний эмас?
48	ЭКОЛОГИЯ ВА СПОРТ
49	В Ташкенте отметили "Всемирный день велосипеда"
50	ЭКОПРОФИЛАКТИКА
51	Тутқунликда сақланаётган жайронлар муҳофаза остига олинди
52	Пойтахтда яна дарахтлар кесилмоқда
53	Ғалладан бўшаган майдонга ўт ёқманг, жарима тўлайсиз!
54	ЭКОСАНА
55	ҚИЗИЛ КИТОБ САҲИФАЛАРИДАН
56	Тилларанг суғурўт
57	Қуйка (Ўл миккийси)
58	ТУРФА ОЛАМ
59	Табиат ажойиботлари

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

ДЕҲҚОНЧИЛИКДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР ЁКИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФАЗОВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Г. ДЖАЛИЛОВА, Ўзбекистон миллий университети "Тупроқшунослик" кафедраси доценти

О. ШАРИПОВ, Бухоро давлат университети "Тупроқшунослик ва география" кафедраси катта ўқитувчиси

Замонавий жамият шароитида ахборот технологиялари, дистанцион маълумотлар билан ишлаш инсон фаолиятининг турли соҳаларига кириб бормоқда. Бу тенденция қишлоқ хўжалигига ҳам жадаллик билан кириб келиши кузатилмоқда.

Айнан дистанцион маълумотлар, космик тасвирлар билан ишлаш тарихи ҳақида тўхталадиган бўлсак, Ер шарини самодан кузатиб, уни тасвирга олиш ишлари ўтган асрнинг 60-йилларида бошланган. 1961 йил 6 август куни рус космонавти Г. Титов «Восток-2» фазо кемасидан Ер шарини суратга туширди. Орадан тўрт йил ўтиб, унинг ватандоши А. Леонов очик фазодан туриб Ер сайёрасини суратга олишга муваффақ бўлди.

Шундан сўнг давлатлар орасида коинот орқали Ерни фазовий тадқиқ этиш бўйича ўзига хос мусобақа бошланиб кетди. Олимлар сунъий йўлдошлар орқали заминимизнинг иқлим ва тупроқ ўзгаришларини, Ер қаъридаги конларни, сув захираларини тадқиқ эта бошлашди. «Союз-6», «Союз-7», «Союз-8» фазовий кемалари орбитага чиқарилиб, сув ҳавзалари, ўрмон массивлари ва чўл ҳудудларини ўрганиш мақсадида биринчи мартаба турли хил спектрлар ёрдамида Ер сайёраси суратга олинди.

1971 йил 19 апрелда самога илк бор узок вақтга мўлжалланган «Салют» орбитал станцияси учирилди. Унинг асосий вазифаларидан бири Ер ости табиий бойликлари ҳақида маълумот тўплаш ва юборишдан иборат эди. У турли фокусдаги камералар, шунингдек, юлдузли камералар билан таъминланган бўлиб, фотосуратларда тасвирга туширилган жойларнинг аниқ координаталарини белгилаб бериш хусусиятига эга бўлган. Унинг бортидаги фазогирлар Ер куррасининг айрим ҳудудларини фототасвирга тушириб, рўй бераётган иқлим ўзгаришларининг она табиатга кўрсатаётган таъсирини кузатиш ва текшириш ишларини олиб боришган.

«Союз-12», «Союз-13» космик кемалари, шунингдек, «Салют-2» орбитал станцияси ернинг спектрография ишларини олиб бориб, тупроқнинг намлиги, ўсимликлар дунёсининг тарқалиши, чўлланиш ва унинг келгусидаги оқибатлари ҳақида маълумотлар тўплаганлар.

Эндиликда масофавий тадқиқотлар, яъни фазовий тасвирлар олиш «LANDSAT» русумли сунъий йўлдош орқали амалга оширилмоқда. Унга Ер шарининг турли майдонларини қамрай оладиган тасвирларни олувчи тўртта узатгич ўрнатилган бўлиб, уларга учир траекториясининг қулай йўналишлари дастури киритилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам космонавтика соҳаси ривожланмоқда. Орбита ёрдамида қишлоқ хўжалигининг замонавий амалий масалаларини ечишда фазовий тасвирлардан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, коинот деҳқон манфаатларига хизмат қилмоқда.



Фазовий дистанцион тасвирлар билан ишлаш зарур маълумотларни тўлиқ ва аниқ йиғиш имкониятини яратади ва улар асосида хариталар тuzилади. Шуниси эътиборлики, бу ишларни жуда қисқа вақт мобайнида амалга ошириш мумкин. Шу билан бирга, мазкур тасвирлар ва хариталар бир вақтнинг ўзида жуда катта майдонлардаги тупроқ ҳолати, турлари, тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларнинг хусусиятлари, экин майдонлари, ер ости сувларининг жойлашуви бўйича аниқ маълумотларни тақдим этади. Шунингдек, сув ҳавзаларининг ҳолатини, ерлардаги экин аҳволи, суғориш ва мелиоратив тизимларни кузатиш, тоғ ҳудудларида вертикаллик, яъни баландлик бўйича тарқалган ўсимликлар дунёсини, у ерлардаги тупроқ таркибини таҳлил қилишда ҳам муҳим ўрин тутати.

Бугунги кунда конларни қидириш, яъни ер ости ва ер усти фойдали қазилмаларни аниқлаш, ўсимликларнинг тарқалиш майдонлари ва тарқалишига мойиллик яратувчи шароитларни ўрганиш, тоғлардаги қор ҳолатини кузатиш, яъни қор кўчиш эҳтимолини башорат қилиш каби соҳаларда фазовий тадқиқотлардан кенг фойдаланилмоқда. Ҳосилдорлик миқдорини олдиндан башоратлаш, ўрмондаги қурғоқчилик, ёнғин ҳолатларини кузатиш, дарахтлар куриб кетишининг олдини олиш, ер ости сувларини кузатишда ҳам бу илмий йўналишнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бугун ўзбек деҳқонлари ҳам табиатда бўлаётган ўзгаришлардан хабардор. Коинот орқали замонавий техникалар ёрдамида далада кечаётган шўрланиш, сув ва шамол деградациясига доир кўплаб маълумотларга эга бўлган деҳқонлар уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда, экинлар ва етилаётган ҳосил ҳолатини кузатиб, келгуси ишларини режалаштирмоқда.

Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар, асосан, қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш, сақлаш, такрор тиклаш ва ўғитларни дифференциал қўллаш мақсадида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тупроқ унумдорлигини мониторинг қилиш ва агрокимёвий таҳлил қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва уларни харитага туширишга йўналтирилган. Ҳозирги кунда ўз

олдимизга замонавий усуллар, яъни ГАТ (географик ахборот тизими) технологияларини қўллаган ҳолда, дистанцион маълумотларга ишлов бериш натижасида деградацияга учраши мумкин бўлган ҳудудларни олдиндан аниқлаб, уларга баҳо бериш, тематик хариталар яратиш ишларини режалаштирганмиз.

ГАТ – атроф-муҳитни, оламда рўй бераётган ҳодисаларни хариталаш ва таҳлил қилиш учун мосланган замонавий технологиядир. Географик ахборот тизимининг асосини топографик хариталар, ерни масофадан зондлаш материаллари, яъни космик фотосуратлар ташкил этади. ГАТ асосида ерни масофадан зондлаш, деградация жараёнларини ўрганиш ва уни олдиндан юқори аниқликда қайд этиш, тўпланган маълумотларни йиғиш, таҳлил этиш каби масалаларни ҳал қилиш имкониятини яратади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ГАТ асосида дистанцион маълумотларга ишлов бериш натижасида ишлаб чиқилган ахборот-таҳлилий тизим ахборотларни ихчам сақлаш ва янгилашнинг тезкорлигини ошириш, бир вақтнинг ўзида маълумотларни киритиш ва назоратини олиб бориш, қоғозбозлик ишларини камайтириш, бинобарин маълумотларга ишлов беришда мутахассисларнинг қўл меҳнатини камайтириш, ахборотларни қидириш ва тақдим этиш жараёнларини амалга ошириш имкониятларини яратади.

